

**РЕЖАПОВ Хайрилло Хикматуллаевич,**  
 Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
 Миллий университети, катта илмий-ходим  
 изланувчи

# МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ТАЪСИРИ

УДК: 331.0.378.1  
ББК 65.497

## **РЕЖАПОВ Х.Х. МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ТАЪСИРИ**

Мақолада олий таълимни молиялаштиришда мамлакат иқтисодчи олимларининг қарашлари, ривожланган мамлакатларда молиялаштириш тажрибалари, олий маълумотли шахсларнинг иш ҳақига таъсири ва малакали мутахассислар тайёрлаш муаммолари қиёсий таҳлил қилиш асосида ўрганилган. Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб олий таълимни молиялаштиришни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Таянч иборалар: олий таълим, молиялаштириш, фонdlар, «Эндаумент» ва «Краудфандинг» фондлари, малакали мутахассис.

## **РЕЖАПОВ Х.Х. ВЛИЯНИЯ ФИНАНСИРОВАНИЯ НА ПОДГОТОВКУ КВАЛИФИЦИРОВАННЫХ КАДРОВ**

В статье рассматриваются вопросы финансирования высшего образования, опыт финансирования развитых стран, влияние финансирования на зарплату лиц с высшим образованием. На основе сравнительного анализа рассмотрены проблемы подготовки квалифицированных специалистов. Изучив опыт развития и совершенствования финансирования высшего образования зарубежных стран, даны конкретные предложения.

Ключевые слова: высшее образование, финансирование, фонды, фонды, «Эндаумент» и «Краудфандинг», квалифицированные специалисты.

## **REJAPOV KH.X. INFLUENCES OF FINANCING TO THE PROFESSIONAL STAFF TRAINING**

The article deals with the financing of higher education, funding experiments developed countries, its impact on the salary of the persons with higher education. Considered on the basis of a comparative analysis of the problem of training. Having studied the experience of foreign countries and improving the financing of higher education, are specific proposals.

Keywords: higher education, funding, funds, funds, «Endoument» and «crowdfunding» qualified.

**Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда энг асосий долзарб муаммолардан бири олий таълим тизимини модернизациялаш бўлиб, унинг асосий ўналишларидан бири олий таълимни молиялаштириш структурасини ўзгартириш ва таълим тизимини молиялаштиришда турли инновацион услублардан фойдаланиш деб баҳоланмоқда. Қўшимча маблағларни жалб қилиш мамлакат олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятида, малакали ва етук мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.**

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов «Ўтган иили таълим-тарбия соҳасини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш масаласи ҳам диққат марказимизда бўлди. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфлананётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этмоқда. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантириши таъминлаш учун таълимга ўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар кўпдир»<sup>1</sup> деган эдилар.

Ўзбекистонда давлатнинг таълим соҳаси харажатлари йилдан йилга ортиб бормоқда, аммо бу маблағлар олий таълим муассасаларини замонавий ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, замонавий технопаркларни ташкил этишга, малакали ва етук мутахассисларни тайёрлашда маблағларнинг етишмаслиги мамлакат олий таълим муассасаларида молиялаштириш механизмининг такомиллашуви ва уларнинг фаолиятини юритишда қўшимча даромадларни топишнинг муқобил варианларини

излаш вазифасининг долзарблигини кучайтирмақда.

Шу нуқтаи назардан, ривожланган маблағатларда олий таълимни молиялаштириш шаклларини ўрганиш, мамлакатимизда олий таълимни молиялаштириш ҳолати ва тартибини таҳлил қилиш асосида мамлакатимиз миллий хусусиятидан келиб чиқиб, олий таълимни молиялаштиришни такомиллаштириш ўналишларини ўрганиш мақсадга мойилdir.

Иктисодий адабиётларда таълим ва олий таълимни молиялаштириш, унинг самарадорлиги хусусида хилма-хил қарашлар мавжуд.

А.Эшбаев ўзининг илмий тадқиқотлари натижаларига асосланган ҳолда, олий таълимни молиялаштиришни такомиллаштиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда, давлат ва ўқув юртлар ўртасидаги муносабатларни шартнома-тўлов тизимига ўтказиш, ҳар йили мамлакатимиз олий ўқув юртлари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизимини жорий этиш ва унинг натижаларига асосланниб таълим муассасаларига молиявий ресурслар, турли фонdlар ва грантларни олиш учун соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ўқув муассасаларини молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари манбалари салмоғини оширишда олий ўқув юртлари томонидан яратилган илмий ва услубий ишланмаларнинг амалиётга татбиқ этилишига эришишни таклиф қиласди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Боз мақсадимиз – мавжуд қийинчилкларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иктиносидиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришdir. / Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иктиносидий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.

<sup>2</sup> Эшбаев А.Х. Бозор муносабатларига ўтиш даврида таълим тизимининг миллий иктиносидиётни ривожлантиришга таъсири. / И.Ф.Н. илмий дараҷасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. – Т., 2008. -21-6.

Фикримизча, ушбу таклиф жуда ўринли ва амалий аҳамият касб этади. Аммо унинг айрим жиҳатларига қўшилиш мумкин эмас. Хусусан, А.Эшбаевнинг турли фондлар ва грантларни олиш учун олий таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш хусусидаги фикри асосланмаган. Грантлар аниқ белгиланган шартлар асосида олий ўқув юртларининг барчаси учун умумий асосда таклиф қилинади.

Д.Набиев таълим соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш амалиётини таҳлил қилган ва Ўзбекистон шароитида таълимни молиялаштиришда Германиянинг дуал тизимидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблади<sup>1</sup>.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан М.Сайдовнинг илмий ишларида олий таълимни молиялаштиришнинг назарий ва амалий масалалари тадқиқ қилинган. У ушбу соҳани молиялаштиришга оид бир қатор хulosаларни шакллантирган. Жумладан, аҳоли даромадларининг нисбатан паст эканлиги олий таълим олиш харажатларини молиялаштиришни муаммоли қилиб қўяди. Одамларда бепул таълим олиш бўйича ижтимоий психологиянинг мавжудлиги уларни пуллик таълимга нисбатан салбий муносабатини шакллантиради<sup>2</sup>, деб ҳисоблади.

М.Сайдовнинг инсонларнинг бепул таълим психологияси хусусидаги фикри жуда ўринлидир. Аммо унинг аҳоли даромадлари дараҷаси олий таълим олиш харажатларини молиялаштириш масаласини муаммоли қилиб қўяди, деган хulosаси мунозаралидир. Олий ўқув юртларининг молиявий ресурсларга бўлган минимал эҳтиёжини бюджетдан молиялаштириш орқали қоплаб бўлмайди. Шу сабабли, дефицитли молиялаштириш юзага келмоқда<sup>3</sup>, деб ҳисоблади. Биз бу фикрларга қўшимча ҳолда, шартнома асосида

<sup>1</sup> Набиев Д.Х. Таълим соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш масалалари. / И.Ф.н. илмий дараҷасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. – Т., 2005. –17-6.

<sup>2</sup> Сайдов М.Х. Финансирование высших учебных заведений. – Т.: «Молия», 2001. -С. 49.

<sup>3</sup> Ўша манба.

ўқиётган талабалар учун олинаётган оиласий даромадлардан келиб чиқсан ҳолда шартнома тўлови шаклларини ишлаб чиқиш ва унга асосланган ҳолда бу тўловларни жорий этиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ш.Захидова олий таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш масалаларини тадқиқ қилган. У олий ўқув юртларини молиялаштиришнинг ноанъанавий методи бўлган эндаументни қўллашни таклиф қиласди. Унинг фикрича, эндаумент инвестиция фондларини ривожлантириш республикамиз олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, молиявий мустақиллигини кучайтириш имконини беради<sup>4</sup>.

Бизнинг фикримизча ҳам, мамлакатда олий ўқув юртларини молиялаштиришда эндаумент ёки краудфандингни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Давлат томонидан таълим хизматлари тизимини бозор иқтисодиёти талаблари асосида ривожлантиришга давлат ва иқтисодчи олимлар томонидан катта эътибор берилмоқда. Аммо айтиш керакки, ҳозирги бозор муносабатлари шароитида олий таълим хизматлари ва меҳнат бозори талабларидағи уйғунлик, олий таълим хизматлари тизимини молиявий самарадорлик жиҳатдан ва мазкур тизим хизматининг сифати орасидаги уйғунлигини таъминлаш – олий таълим олишга интилевчи талабларини қондирадиган дараҷада бўлиши керак. Бунинг учун:

- миллий таълим тизимини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш - минтақалар эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда амалга ошириш зарур;
- бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида жаҳон меҳнат бозори талаблари ва давлатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни асосида тартибга солиб туриш;

<sup>4</sup> Захидова Ш.Ш. Олий таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон материаллари асосида). / И.Ф.н. илмий дараҷасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. – Т., 2012. -23-6.

- олий таълим тизимини илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқликда олиб боришни ташкил этиш доимий равишда ташкилий-иқтисодий ва таълим жараёнларининг такомиллашиб боришини таъминловчи муассасалар томонидан амалга оширилиши зарур.

Кейинги 30-40 йиллар ичida жаҳон олий таълим тизими ривожланишини молиялаштиришнинг бир неча моделлари ташкил топди. Олий таълим тизимининг биринчи молиялаштириш модели неолиберализм модели бўлиб, у М.Фидлин, Ф.Чаба ва Ф.Хаск томонидан ўрганилган. Бу молиялаштириш модели асосан АҚШ, Япония, Австралия, Жанубий Корея, Янги Зеландия ва Жанубий Африка Республикасида қўлланилган. Мисол учун, XXI асрда АҚШ олий таълим тизими харажатларининг 42,5%и бюджет маблағлари ҳисобига, шу жумладан, федерал бюджет ҳисобига 27,5%, маҳаллий штат бюджети ҳисобига 2,6%и қопланган. Давлат олий ўқув юртлари молиявий маблағларининг 50%ини штат бошқарувидан молиялаштиришга ҳақли бўлса, хусусий олий ўқув юртлари бундай ҳукуқقا эга эмас. Бу модель вакиллари олий ўқув юртлари ва штатда жойлашган корхоналар ҳамкорлигига олий таълим тизимида мавжуд муаммоларни ҳал этадилар<sup>1</sup>. Аммо олий ўқув юртларини автоном ҳолда мустақил бўлиб фаолият юритишлари билан баробарида, ушбу штат уларда бюджет маблағларини мақсадли ва самарали ишлатишларини назорат қилишни талаб этади.

Ғарбий Европа мамлакатларида бозор иқтисодиётининг трансформацияланиши ва ахборотлашган жамиятга кириб бориш муносабати билан олий таълим хизматлари ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этиш – олий таълим инсон фаолиятида билимининг асосий воситага айланиши билан боғлиқ. Бу борада Болонья жараёни Европа давлатларида умумий

муаммо бўлиб, уни биргаликда ҳал этишни талаб этмоқда<sup>2</sup>.

Янги индустрисал жамият назарияси вакили Ж.Гэлбрейт ўз вақтида индустрисал тизим шароитида ўқитилган ва ўргатилган кадрлар - ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи омилига айланган ва бу юқори ривожланган таълим тизимига асосланган<sup>3</sup>, деб ҳисоблаган.

Олий таълим тизимини молиялаштиришнинг иккинчи модели олий таълим соҳасида ижтимоий бозорнинг шаклланиши бўлиб, унинг назарий асосини гуманитарлашган халқпарвар капитализм ташкил этади.

Унинг асосчилари Ж.Шумпетр, Ж.Гидденс ва Х.Майер ҳисобланади. Бу модель Канада, Англия, Испания ва Италияда қўлланилади.

Олий таълим тизимининг бу модели давлатнинг фаол ёрдамига ва шахснинг таълим олишдаги, карьера қилишдаги жавобгарлигига асосланади.

Бу олий таълим тизими модели қисман бозор муносабатларига асосланган бўлиб, давлат томонидан молиялаштириш даражасининг камайиб бориши ва хусусий молиялаштиришнинг ўсиб боришига асосланади<sup>4</sup>.

Бу усулга асосланган ҳолда олий таълим тизимини ривожлантиришдаги молиялаштириш манбаларининг ўзгаришини Англия олий ўқув юртлари мисолида кўриш мумкин.

Ҳозирги даврда молиялаштиришнинг 33%и давлат бюджети ҳисобига қопланса, қолган 67%и хусусий манбалар ҳисобига (фуқаролардан олий таълим олиш учун тушган тушумлар, хусусий фирмалар ўз ходимларини

<sup>2</sup> Болонский процесс-структурная реформирование высшего образования на европейском уровне (электронный ресурс). Режим доступа: <http://Kpi.ua/bolona>.

<sup>3</sup> Антошина Л.И. Высшее образование в системе общественных интересов. – Донецк: ООО «Юго-Восток», ЛТД, 2008.. -С. 54.

<sup>4</sup> Задумкин К.А. Региональная инновационная система: теория и практика формирования. / К.А. Задумкин, И.А. Кандаков; под. рук., проф. В.А. Ильина. – Вологда: Вологодский научно-координационный центр ЦЭМИ РАН, 2008. -С 45.

<sup>1</sup> Другов А. Проблемы и направления модернизации высшего образования в Украине. // Вестник КНЕУ-2007, №5. -С 127-134.

ўқитиш учун тўлаган тўловлардан) ташкил топмоқда<sup>1</sup>.

Олий таълим тизимини молиялаштиришнинг учинчи модели бозор иқтисодиётига, олий таълим тизимида бозор муносабатларига қарши модель бўлиб, у назарий жиҳатдан Европа (Брюссель) ва Германия (Франкфурт) таълим ходимлари илмий тадқиқот касаба маркази томонидан ишлаб чиқилган.

Бу таълим модели Германия, Норвегия, Дания, Франция, Швеция, Финляндия ва бошқа мамлакатларда қўлланилмоқда. Ушбу таълим тизими модели олий ўқув юртларини хусусийлаштиришга қаршидир. Шунинг учун ҳам Германияда кўпчилик олий ўқув юртлари давлатга қарашли бўлиб, ўқитиш ва стипендия тўлаш давлат томонидан амалга оширилади. Талабаларнинг 30%и ёрдам пули оладилар, унинг 33%и федерал бюджетдан, 44,6%и ер бюджетидан ва 22,4%и жамоа ҳисобидан қопланади.

Европа мамлакатларидан олий таълимни молиялаштириш ҳажмининг ЯИМга нисбатан энг паст кўрсаткичи Болгарияда бўлиб, 0,7%ни ташкил этади. Латвияда бу кўрсаткич 1,0%, Германияда 1,3%, Буюк Британияда 1,4%, Австрияда 1,8%, Швецияда 2,0%, Финляндияда 2,3%, Данияда 2,4% ни ташкил этади. Европа иттифоқи мамлакатларида олий таълимни молиялаштириш ЯИМга нисбатан ўртacha 1,3 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич Норвегияда 2,3 фоиз, Исландияда 1,5 фоизни ташкил этган<sup>2</sup>.

Хорижий ривожланган мамлакатларда олий таълим тизимини ривожлантириш икки хусусият: марказий бошқарув ва олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлашнинг бозор муносабатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда уларни диверсификациялаштиришга асосланади.

<sup>1</sup> Ржепишвский В.В. Проблемы и перспективы функционирования высших учебных заведений в региональной инновационной системе. (электронный ресурс). Режим доступа. [www.old-niss.govvua/monitor/mat2wa/r/htm](http://www.old-niss.govvua/monitor/mat2wa/r/htm)

<sup>2</sup> Статистика высшего образования в Европе. [www.Eurostat \(educuoefine06\) and \(educfigdp\)](http://www.Eurostat (educuoefine06) and (educfigdp))

Олий ўқув юртларини марказлаштирилган ҳолда бошқаришнинг амалга оширилишининг сабаби – олий таълим ривожлантирилиши орқали ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётини жаҳон бозорига нисбатан рақобатбардошлигини таъминлашга интилишидир.

Шу билан бирга, олий таълим тизимини бозор муносабатлари шароитида марказдан бошқариш зарурлиги шундан иборатки, уларда олий таълим давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилганлиги сабабли бу маблағлардан фойдаланишни назорат қилишнинг зарурлигидир.

Олий таълим муассасаларини молиялаштиришни ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб молиялаштиришнинг янги манбаларини излаб топиш, жумладан, «Эндаумент» ёки «Краудфандинг» фондларини қўллаш мумкин. Ривожланган мамлакатларда узоқ муддатли дастурларни молиялаштириш учун «Эндаумент» фондлари қўлланилади, аммо қисқа муддатли ва кичик дастурларни молиялаштириш учун «Краудфандинг» фондидан ҳам кенг фойдаланилади. Шунингдек, олий таълим муассасаларида инновацияни ривожлантириш учун бюджетдан маблағларни ажратиши кўпайтириш ва бюджетдан ташқари ташкил топган маблағларини замонавий лабораторияларни жиҳозлашга йўналтириш зарур.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаларини кўрсатишича, олий таълимни молиялаштиришнинг «Эндаумент» фондларини қўллаш АҚШда яхши ривожланган. Шунингдек, Россия Федерациясида ҳам эндаумент фонdlари ривожланмоқда.

АҚШ университетларининг фаолиятини молиялаштиришда эндаумент фондига йўналтирилган инвестициялардан олинадиган даромадлар борган сари салмоқли ўринни эгалламоқда ва улар ҳисобидан олинган даромад ўртacha олий ўқув юртлари бюджетлари даромадларининг 25-45 фоизини ташкил этмоқда.

**1-жадвал. Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг таълим соҳалари бўйича таркиби сони (ўқув йили бошига, фоизда)<sup>1</sup>**

Соҳалар/ ўқув йили	2012/2013	2013/2014	2014/2015	2015/2016
Гуманитар соҳа	45,9	44,4	43,1	41,7
Ижтимоий соҳа, иқтисод ва хуқуқ	13,3	12,8	12,0	11,3
Ишлаб чиқариш ва техника соҳаси	22,6	24,7	26,7	28,3
Қишлоқ ва сув хўжалиги	6,6	6,8	7,1	7,5
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот	7,3	7,2	7,0	7,2
Хизматлар соҳаси	4,3	4,1	4,1	3,9
Олий таълим муассасаларида талабалар, минг киши	258,3	259,3	261,3	264,3
Касб-хунар колледжлари ва академик лицейларда ўқиётган талабалар, минг киши	1685,9	1626,9	1559,2	1498,6
Таълим муассасаларида ўқиётган талабалар, жами, минг киши	1944,2	1886,2	1820,5	1762,9
Олий таълим талабаларининг ўрта маҳсус таълим ўқувчиларига нисбати	1/7,5	1/7,3	1/7,0	1/6,7

АҚШнинг етакчи олий ўқув юртларининг эндаументлари университетларнинг йиллик даромадининг 40-50 фоизини, жумладан, Принстон университетида 47%ини, Йель университетида 35%ини, Гарвард университетида 33%ини, Стэнфорд университети бюджетларининг 23%ини шакллантириш имконини бермоқда<sup>2</sup>.

Россия Федерациясида энг йирик эндаумет фонди МГИМОда бўлиб, ушбу фонд 2007 йил 29 марта рўйхатдан ўтган. Бу фонднинг умумий маблағи 800 млн рублни ташкил этади. 2007 йилда Россия Федерациясида эндаумет фонdlарнинг сони 13 та бўлган бўлса, 2014 йилга келиб 130 тани ташкил этди. Ушбу фонdlарнинг 71%и таълим тизимида, 15%и соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза соҳасида, 11%и маданият ва санъат соҳасида ва 3%и спорт соҳасида фаолият олиб бормоқда<sup>3</sup>.

Дунё бўйича краудфандинг фонди бозори 2014 йилда 167%га ортди ёки жалб қилинган маблағларнинг қиймати 16,2 миллиард долларни ташкил этган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, 2015 йилда жалб қилинган маблағлар

қиймати икки баробарга ўсиб, 34,4 миллиард долларга етиши кутилган<sup>4</sup>.

Краудфандинг (ингл. crowd – оломон ва funding – молиялаштириш) бу маҳсулотни сотиш, муҳтоjlарга ёрдам қилиш, бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўпчилик шахслар томонидан молиялаштириш мақсадида жалб қилинган маблағлардир<sup>5</sup>.

Фикримизча, давлат томонидан таълимни ва бизнесни бирлаштириб бўлмайди. Давлат бошқаруви асосида таълим ва бизнес ҳамкорлик асосида олиб борилиши, илмий тадқиқотлардан олинган натижаларини нафақат кичик бизнес соҳасига жорий этиш, балки йирик саноат ва аграр соҳа корхоналари фаолиятига жорий этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон банки таркибиغا кирувчи Халқаро тараққиёт ассоциацияси (ХТА) томонидан 2016 йилда «Ўзбекистонда олий таълим тизимини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш учун 42,2 млн АҚШ доллари

<sup>4</sup> <http://www.finextra.com/news/fullstory.aspx?newsitemid=27188>.

<sup>5</sup> Гусева Д.Е., Малыхин Н. Краудфандинг: сущность, преимущества и риски. // Журнал «Современная наука: актуальные проблемы теории и практики. Серия «Экономика и право», 2014, № 9-10. <http://www.nauteh-journal.ru/index.php/ru---ep14-09/1278-a>.


<sup>1</sup> Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. – Т., 2016. -142-б.

<sup>2</sup> [www.mgimo.ru](http://www.mgimo.ru)

<sup>3</sup> Ўша ерда

**1-расм. Айрим мамлакатларда олий таълимнинг иш ҳақига таъсири<sup>1</sup>**

**Иш ҳақи даражасининг ортиши, %да**



миқдорида кредит ажратилишини белгилади<sup>2</sup>.

Олий таълим харажатлари таркибида иш ҳақи харажатлари 37,5 фоизни, стипендия харажатлари 41,5 фоизни, солиқлар 9,2 фоизни, коммунал тўловлар 1,6 фоизни, бошқа харажатлар 4,9 фоизни, капитал харажатлар 5,4 фоизни ташкил этади<sup>3</sup>.

2015/2016 ўқув йилида 69 та (2012/2013 ўқув йилида 64 та) олий ўқув юрти фаолият кўрсатган бўлиб (7 таси хорижий олий таълим муассасаси), уларда жами 264,3 минг талаба таҳсил олмоқда. Ушбу ўқув йилида 63,0 минг (2012/2013 ўқув йилида 63,1 минг) нафар талаба қабул қилинган бўлиб, 66,3 минг нафар талаба ўқишини битирган (1-жадвал).

Миллий иқтисодиёт соҳалари учун малақали мутахассисларни тайёрлаш жараёнида ижтимоий муҳим талабларнинг бири олий таълим мутахассислари ва ўрта маҳсус таълим малакасига эга бўлғанларнинг мутаносиблиги талабларини сақлаш ҳисобланади. Мавжуд статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда бу кўрсаткичлар 2015/2016 ўқув йилларида 1/6,7 кишини ташкил этган. Ривожлангаган хорижий давлатлар тажри-

басида ушбу мутаносиблик АҚШда 1/18, Германияда 1/20, Японияда ҳатто 1/22 кишини ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида тайёрланадиган мутахассислар мутаносиблигини 2025 йилга бориб 1/12-15 га етказиш зарур. Чунки бу мутаносиблик кўрсаткичлари паст даражада сақланиб қолгани миллий иқтисодиёт соҳаларидаги меҳнат билан банд олий таълим даражасига эга мутахассисларнинг мақсадли фаолияти ва меҳнат самарадорлигига салбий таъсир этиши мумкин<sup>4</sup>.

Назарий жиҳатдан олиб қараганда, инсон капиталига йўналтирилаётган инвестициялар келажакда инсон даромадларининг ортишига сабаб бўлади. Жаҳон банки томонидан тадқиқот маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистонда олий маълумотли ходимнинг иш ҳақи ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган ишчининг маошига нисбатан 55%га юқори ҳисобланади, бу кўрсаткич Албанияда ва Македонияда 62%га, Польшада 71%га, Венгрияда 82%га, Туркияда 98%га юқори экан (1-расм).


Жаҳон банки эксперталари томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистонда олий таълим битирувчиликнинг 80%

<sup>1</sup> Расчеты авторов для Кыргызской Республики, Таджикистана и Узбекистана на основе данных исследования «Узбекистан: Рабочие места, профессиональные умения и миграция», Всемирный банк / GIZ, 2013 год. С.63

<sup>2</sup> [www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2016/04/27/the-world-bank-supports-quality-improvement-for-labor-force-in-uzbekistan](http://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2016/04/27/the-world-bank-supports-quality-improvement-for-labor-force-in-uzbekistan)

<sup>3</sup> [www.ig-tertiary-education-in-uzbekistan-uz.pdf](http://www.ig-tertiary-education-in-uzbekistan-uz.pdf)

<sup>4</sup> Умурзаков Б.Х. Миллий иқтисодиётдаги тизимли ўзгаришлар ва меҳнат ресурслари. / «Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг жаҳон тажрибаси ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: «Университет». 2016. -26-27-6.

**2-расм. Таълим тизими битириувчиларининг унинг турли босқичларидан қониқиши даражаси, %да<sup>1</sup>**

олий таълимни жуда фойдали, 6%и етарлича фойдали, 12%и қисман фойдали ва 2%и умуман фойдасиз деб ҳисоблашлари маълум бўлган (2-расм).

Бозор муносабатлари шароитларга асосланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, меҳнат ва олий таълим хизматлари бозорининг самарали олиб борилиши олий таълим хизматлари субъектлари бўлган олий ўқув юртлари томонидан юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш билан боғлиқ. Чунки бозор муносабатлари шароитида эркин рақобатга асосланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида инновацион янгиликларини киритиш асосидагина мамлакатнинг жаҳон хўжалиги бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш мумкин. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши эркин рақобатга асосланиши ва ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш субъектларининг қандай мулкчилик шаклларига асосланишидан қатъий назар, ҳар бир мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардош бўлишини таъминлаш мақсадида интеллектуал жараённи ривожлантириш уларнинг асосий муаммоларига айланиши керак. Бу эса, ўз навбатида, бозор иқтисодиёти шароитида ахолининг интеллектуал даражаларини оширишни таъминлаш учун бозор талабларига асосланган ҳолда олий маълумотли малакали мутахассисларни тайёрлашни талаб этади.

Миллий иқтисодиётни инновациялаштириш асосида мамлакатимизни илғор мамлакатлар қаторига олиб чиқиш мумкин. Буни энг ривожланган АҚШ, Япония, Англия, Россия ва Европа иттифоқи давлатлари мисолида кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига асосланган кадрлар тайёрлаш тизими асосида олий ўқув юртларида олиб борилаётган кадрлар тайёрлаш олий таълим тизимининг асосий йўналиши сифатида миллий иқтисодиётимизни ҳаракатга келтириувчи асосий куч бўлиши билан бирга, республикамида инновацион маданият ривожланишини таъминловчи асосий омилдир.

Демак, ҳозирги жаҳон бозори талабларига жавоб бера оладиган миллий олий малакали мутахассисларни тайёрлаш республикада илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришни ва олий малакали мутахассисларни бозор талабларига жавоб бера оладиган даражада тайёрлаш олий ўқув юртлари билан илмий муассасаларни ҳамкорликда фаолият олиб боришини талаб этади. Ўзбекистонда инновация ва илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси, илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари йўналишлари бўйича университетлар ихтиёрида илмий-тадқиқот лабараториялари ташкил этиш ва ривожлантириш зарур.

Таълим хизматлари тизимини бозор иқтисодиёти талаблари асосида ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор иқтисод ва молия / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ 2017, 1

<sup>1</sup> «Узбекистан: Рабочие места, профессиональные умения и миграция», Всемирный банк. / GIZ, 2013 год. С.63

берилмоқда. Бозор муносабатлари шароитида олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорлари уйғунынг, молиявий самарадорлик ва таълим хизматлари сифати жиҳатдан олий маълумот олишга интилувчилар талабларини қондирадиган даражада бўлиши керак. Бунинг учун:

- миллий таълим тизимини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиша ҳар бир миңтақа хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда амалга ошириш зарур;
- бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида жаҳон меҳнат бозори талаблари асосида уни тартибга солиб туриш;
- олий таълим тизимини илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқликда олиб боришнинг ташкилий-иқтисодий жараёнларини доимий равишда бозор муносабатлари талаблари асосида такомиллаштириб бориш зарур.

Олий маълумотга эга малакали мутахассисларга бўлган талабни аниқлашда республиканинг иқтисодий миңтақалари талабларига асосланган ҳолда белгилаш, миллий иқтисодиётимизнинг бозор муносабатларига мос, мақсадли, тежамкор такомиллаштириш ўзаро манфаатли иқтисодий механизмни вужудга келтирган бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари ва коллежларга кирувчилар сонини режалаштириш ва уларни ўқишини битирган-

дан кейин қаерга ишга жойлаштиришни эмас, балки Ўзбекистон ҳудудида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш жараёнидаги давлат таълим стандартларининг бажарилаётганлиги назоратини кучайтиришдек вазирликка мос муҳим вазифаларни бажариб, ҳар беш йилда бир маротаба таълим муассасаларини лицензиядан ўтказиб туриши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мамлакатимизда олий таълим хизматларини молиялаштириш самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш учун қўйдагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ривожланган мамлакатлар тажрибалиридан келиб чиқиб, олий таълим тизимини молиялаштиришда «Эндаумент» ёки «Крауд-фандинг» фондларини қўллаш учун ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш ва амалиётга босқичма-босқич жорий қилиш;
- мамлакатимизда олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида тайёрланадиган мутахассислар мутаносиблигини 2025 йилга бориб 1/13-18 га етказиш;
- олий таълим хизматларини кўрсатувчилар ўртасида рақобатни кучайтириб, олий таълим хизматларининг янги моделларини жорий қилиш;
- олий таълим учун ажратилаётган бюджет харажатлари миқдорини ЯИМга нисбатан 2-4% га етказиш.

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Бозор муносабатларига қаррамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркиби ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 январь.
2. Эшбаев А.Х. Бозор муносабатларига ўтиш даврида таълим тизимининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсири. / И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. – Т., 2008. -25-б.
3. Набиев Д.Х. Таълим соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш масалалари. / И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. – Т., 2005. –24-б.

4. Сайдов М.Х. Финансирование высших учебных заведений. – Т.: «Молия», 2001. -С. 247.
5. Захидова Ш.Ш. Олий таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизми самародорлигини ошириш (Ўзбекистон материаллари асосида). / И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. – Т., 2012. -27-6.
6. Другов А. Проблемы и направления модернизации высшего образования в Украине. / Вестник КНЕТУ, 2007, №5. –С. 127-134.
7. Болонский процесс-структурная реформирование высшего образования на европейском уровне. (Электронный ресурс) Режим доступа: <http://Kpi.ua/bolona>.
8. Антошкина Л.И. Высшее образование в системе общественных интересов. – Донецк: ООО «Юго-восток», 2008. -С. 284.
9. Задумкин К.А. Региональная инновационная система: теория и практика формирования. / К.А. Задумкин, И.А. Кандаков; под. рук., проф. В.А. Ильина. – Вологда: Вологодский научно-координационный центр ЦЭМИ РАН, 2008. –С. 72.
10. Ржепишвский В.В. Проблемы и перспективы функционирования высших учебных заведений в региональной инновационной системе. (Электронный ресурс) Режим доступа. [www.old.niss.govvua/monitor/mat2wa/r/htm](http://www.old.niss.govvua/monitor/mat2wa/r/htm).
11. Статистика высшего образования в Европе. [www.Eurostat \(educuoefine06\) and \(educfigdp\)](http://www.Eurostat (educuoefine06) and (educfigdp))
12. Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. – Т., 2016. -142-6.
13. Умурзаков Б.Х. Миллий иқтисодиётдаги тизимли ўзгаришлар ва меҳнат ресурслари. / «Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг жаҳон тажрибаси ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: «Университет», 2016. -26-27-6.
14. Узбекистан: Рабочие места, профессиональные умения и миграция. / Всемирный банк, GIZ, 2013. -С. 63.
15. [www.mgimo.ru](http://www.mgimo.ru)
16. <http://www.finextra.com/news/fullstory.aspx?newsitemid=27188>.
17. Guseva D.E., Malyhin N. Kraufdanding: sushhnost', preimushhestva i riski // zhurnal «Sovremenna nauka: aktual'nye problemy teorii i praktiki. Serija «Jekonomika i pravo», - № 9-10, 2014. - <http://www.nauteh-journal.ru/index.php/ru/---ep14-09/1278-a>.
18. [www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2016/04/27/the-world-bank-supports-quality-improvement-for-labor-force-in-uzbekistan](http://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2016/04/27/the-world-bank-supports-quality-improvement-for-labor-force-in-uzbekistan)
19. [www. ig-tertiary-education-in-uzbekistan-uz.pdf](http://www.ig-tertiary-education-in-uzbekistan-uz.pdf)